

DIDAKTIK TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH

Sh.Rustamov

**Muxammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti
Qarshi filiali "Axborot texnologiyalari" kafedrasi dotsenti v.b. p.f.b.f.d. PhD.**

Isomiddinov Ma'rufjon Umid o'g'li

**Muxammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti
Qarshi filiali magistranti**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7878562>

Ички ишлар органлари ходимлари ходимлари жамоат тартибини бузишга мойил бўлган шахслар билан ишлашда ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда қуйидаги 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунидаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони ва бошқа қонун хужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларидан кўзланган мақсад ҳам аслида шу.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро тероризм, диний экстремизз, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ҳамда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларига уларга барҳам бериш бўйича янги вазфаларни қўймоқда.

Профилактика инспекторларининг хизмат ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги Концепцияси1-боб. Умумий қоидаларининг Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти қуйидаги қўрсатилган 5 та тамоиллари қўрсатилиб ўтилган.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти қуйидаги асосий тамоилларга таянган ҳолда амалга оширилади:

Юқоридаги тамоилларни қуйидагича маъно-мазмуни орқали ёритишимииз мумкин.

*Биринчи йўналиш-қонунийлик;

Ички ишлар органлари ходимлари қонунийлик, адолатлилик, халқقا хизмат қилиш тартиби, жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик, шаффоффлик, холислик, профессионаллик ва компетентлик тамоиллари асосида хизмат қилиш тартиби белгиланган.

Шуни таъкидлаш керакки, қонун нормалари фавқулодда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим миқдордаги жамоат муносабатларини

тартибга солади, хусусан: инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги хатти-ҳаракатларининг чегаралари, жисмоний ва юридик шахсларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муайян ҳаракатларни амалга ошириш бўйича вақтинчалик мажбуриятларини белгилайди.

Шунингдек профилактика инспекторлари давлат номида иш кўради ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда уларнинг хизматчилиси сифатида ўз вазифаларини қонуний тартибда амалга оширадилар.

*Иккиинчи йўналиш-фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш;

Давлатимиз раҳбарирининг 10 апрель 2017 йил “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинди.

Фармондан келиб чиқиб ички ишлар органлари фаолиятида қўйидаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга оид чора тадбирлар амалга оширилиши белгиланди. Жумладан:

Биринчидан, ички ишлар органлари аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходим томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантирилади.

Иккинчидан, халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашади.

Учинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ишлашни ташкил этишининг сифат жиҳатидан мутлако янги тартиби ўртаниш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмиятчилик билан ёндошувларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солади.

Тўртингидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ахборот бериб бориш тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизmlари жорий этилади.

Бешинчидан, аввало, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурозасозлик туйғусини сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олдини олинишини таъминланади.

*Учинчи йўналиш, -очиқлик ва шаффоффлик; Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги ва шаффоффлиги аҳолининг давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончи, ҳурматининг оширишни таъминлаш билан бирга давлат

бошқаруви тизимининг самарадорлигини ҳамда давлат ҳокимиятининг жамият олдида ҳисобдорлигини, жамоатчилик ва давлат ўртасидаги ўзаро доимий алоқаларни мустаҳкамлайди.

Бу эса, ўз навбатида демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ичкиишларорганларининг профилактика инспекторилари халқ хизматидаги шарафли фаолиятида очиқлик ва шаффоғликин таъминлаш ҳамда жамоатчилик билан ишлаш фаолиятида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этиш масалалари бўйича профилактика ишлари ишлари давом этмоқда.

*Тўртингчи йўналиш-жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларинин густуворлиги;

«Жамоатхавфсизлиги» тушунчаси мазмунида олимларнинг алоҳида гуруҳи уни ҳимоя қилишнинг барча обьектларини белгилайди, яъни: жамоат хавфсизлиги – бу одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, моддий бойликлар ва атрофмуҳитга таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишни таъминлайдиган органлар ва воситалар тўпламидир, деб фикр билдиришади .

Жамоат хавфсизлиги нафақат хавфсизлик ҳолати, балки жамият ҳуқуқий тизимининг ажralmas элементи сифатида ҳам қаралади, унда турли таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун маҳсус ҳуқуқий механизмлар ишлайди.

Профилактика инспектори жамоат хавфсизлигини таъминлашда, албатта, муайян норматив-ҳуқуқий хужжатларга асосан фаолият олиб боради. Аҳолини ноқонуний тажовузлардан, турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш қонун устуворлиги асосида амалга оширадилар ва барча профилактика чора-тадбирларини бевосида амалга оширадилар.

*Бешинчи йўналиш-жамоат хавфсизлигини таъминлашда барча ваколатли тузилмаларнинг ҳарқатлари изчиллиги ва бирдамлиги.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясига мувофиқ:

Жамоатхавфсизлиги жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан (кейинги ўринларда таҳдидлар) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қиласи ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш – давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равища тақомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб оловчи яхлит тизим

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг, хусусанунин гОрганларининг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган:

а) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни, давлат суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш;

б) қонунустуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш;

в) жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш, давлат объектларини, ўтамухим, тоифаланган объектларни қўриқлаш ва бошқа шу каби асосий вазифаларни амалга оширишни назаратда тутади.

Мазкур вазифалар а) жамиятдаги ижтимоий муносабатларни самарали тартиба солиш; б) хавфсиз бино, иншоат, тармоқ ва ҳудудларни барпо этиш; в) объектив ва субъектив хусусиятга эга бўлган ички ҳамда ташқи таҳдид ва тажовузларнинг олдиниолиш, зарарсизлантириш, бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали таъминланмоқда .

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ички ишлар органлари профилактика инспекторлари жамаот тартибини бузишга мойил бўлган ғайриижтимоий хулқатворли шахсларни аниқлаш билан бирга, уларни жамият томонидан қабул қилинган меъёрий тартиботларга, ҳаётий қонунларга шунингдек турмуш тамойилларига риоя этиш руҳида назоратга олган холда тарбиялайдилар.

Аммо ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларнинг ижтимоий меъёрлардан ҳам четга чиқиши, қонунларга буйсинмаслиқ, ҳуқуқларни бузишга бўлган мойилликни олдини олишда, энг аввало “Ўзбекистон Республикаси жамаот хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонидаги кўрсатилган барча чора-тадбирларнинг роли бекёсдир.

Шунингдек хозирги кунда жамаот хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинояччиликка қарши кураш самарадорлигини такомиллаштириш лозимлиги, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида тинчлик хотиржамлик, хавфсизликни таъминлаш, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолатни йўлга қўйиш, бағрикенглик, юртимизда адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

References:

1. О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиев Замонавий таълим технологиялари /Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013й., 200бебе
2. О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиев Замонавий таълим технологиялари /Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013й., 200бет.т.
3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. / Тошкент; “Шарқ”, 1997. 3. И.А.Каримов. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни табиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимиидаги нутқи./Халқаро конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2012й.
4. Андреев А. А. Введение в дистанционное обучение. Учебно-методическое пособие. — М.: ВУ, 1997 г.
5. Ахаян А.А. Виртуальный педагогический вуз. Теория становления. - СПб.: Изд-во "Корифей", 2001. - 170 с.